

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 25 сентябрь, чоршанба • № 76 (10.851) • Эркин нарҳда сотилади

ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙҲЛИДА

Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюқ ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафқуравий маҳдудлик, тарихни сохталаштиришдан овоз бўлган ва мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият гоёлари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этиш тўғрисида чиқарган фармойиши ана шу мақсадни кўзда тутди. 21 сентябрь кuni академияда ана шу марказ ташкил қилинган мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда марказнинг асосий мақсади ва вазифалари белгилаб олинди.

Улар:

- мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган оламшумул жараёнлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва ўрганишни ташкил этиш;
- Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, миллийлик ва бошқа умумбашарий тамойилларга асосланиш, ўтмиш сохталаштириш, мафқуравий маҳдудликдан холи бўлган унинг концепциясини ишлаб чиқиш;
- жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда бой маданий меросимизга, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда одамларнинг ўзликларини чуқур англаш, мустақилликни тирадор тушунишни, ҳурлик, мустақиллик руҳининг инсонлар қалбида уйғонишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тарихий жараёнларида мавжуд сиёсий институтлар, партиялар, демократик халқ ҳаракатлари фаолиятга доир манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларни йиғиш, ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда эркин,

Қишлоқ ҳўжалигимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Одамлар ҳақида гаумўрлик олиқ мақсад бўлиб қолганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Юртбошимизнинг кўни кеча Андижон ва Наманган вилоятлари бўйлаб қилган сафарлари чоғида оддий деҳқонлар, меҳнаткашлар билан учрашиб, суҳбатлашиб, шу аснода билдирган қимматли мулоҳазалари, йўл-йўриқлари бунга яна бир бор далилди.

Пахта ва галла етиштиришни кўпайтириш — халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг устивор йўналиши эканлиги алоҳида таъкидланди. Ҳўш, бу йўналишда бизнинг вилоятимизда қилинаётган ишлар қай даражада?

Авалло, пахтачилик ҳақида. Очигини айтиш керак, қайта-қайта уқтирилаётгани, таъкидланаётганига қарамай ҳозиргача биз пахтачиликда кўз-кўз қиладиган, ҳам толаси пишш, ҳам эрта етиладиган, ҳам машинабоп навга эга эмасмиз. Олимларимиз, мутахассисларимиз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак. Ахир бир вақтлари вилоятимиз пахта етиштириш, режани уддалашда карвонбошлик қиларди-ку! Узининг «Тошкент технологияси» билан машуру эди-ку. Нега энди мавқени бериб қўйдик? Бугина эмас, хатто, уч-тўрт йиллаб режани бажаролмай юзимиз шувут бўлиб юрди. Утган йилдан бошлаб эса сал ўзимизга кела бошладик. Ахир деҳқонга катта эрқ берилди-ку. Етиштирадиган ҳосилимизнинг 50—60 фоизини ўзимиз тасарруф қиларми-ку! Нега мавқени тиклаш сўст, нега бўшанглик қилаёмиз?! Менимча, бунинг сабабини раҳбарлик тизимининг айрим ерлари «дарс» кўтганлигидан, баъзи бир раҳбарларимиз эркинликни, мустақилликни суниестемол қилаётганликларидан қидириш керак. Улар изланмай, ўрганмай, ёнмай-қўймай қўйганлар.

Юртбошимиз Андижонда бўлиб, пахтани плёнка тағида эртаги қилиб етиштириш тажрибаси билан

танишар эканлар, бу усулни бошқа вилоятларда ҳам қўлланиш учун қандай муаммони ҳал қилиш керак, бу ҳақда ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўринлар, деган масалани ўртага қўйдилар.

Бизда бу масалани қандай ҳал қилса бўлади? Тўғри, катта майдонларга пленка тағида пахта экиш анча мушкул. Бунинг усти-

на пахта билан учинчи нав пахтанинг харид нарҳи ўртасида олти минг сўм тафовут бор экан. Бу озмунча пулни? Ваҳоланки, битта ёмғир ёққандан сўнг ўша биринчи нав пахтанинг гоизи йўқолади, сифати кетади, учинчи навга айланиб қолади. Кўра-била туриб, миллион-миллион сўмлаб маблағни бой берган бўламиз.

Шу ҳақда ўйларканман, бу йилги йиғим-теримни ташкил этишда жуда тўғри йўл тутиляпти, деган қарорга келиш мумкин. Чунки, бир вақтлардагидек қорли, ёмғирли кунлар бошланиб қолишини кутиб ўтирмас-

тага ташланди. Бунинг учун катта имконият берилди. Утган йиллар давомида галла етиштиришни ҳаддини олволдик. Бирок, ҳали ҳам холмик қиллаётимиз. Қаранг, ўтган йили, хатто, декабрь ойида ҳам уруғ сепдик. Ахир ҳақиқий деҳқон билади-ку, октябрнинг биринчи ҳафталаригача ундириб олинган буғдойдангина кўзланган ҳосилни олиш мумкин. Афсус, биз била туриб тонна-тонна уруғликларни кўкка совурдик. Шу туфайли айрим туманлар, ҳўжалиқлар режани бажаролмай доғда қолдилар. Бу бир. Иккинчидан, сара уруғ мўл ҳосил деймизу, лекин, бу масалада ҳам чинакамага ҳалоллик кўрсатилмапти, жон куйдирилмапти. Утган йили айрим ҳўжалиқлар режа бажарилақолсин, «чўқори»нинг кўзига ёмон кўринмайлик, деб, хатто, уруғлик учун ажратилган галлни ҳам топшириб юбордилар. Ма-на, айни кунларда улар уруғ қидириб, зир югуриб юришибди. Танлашга, саралашга имконият ҳам, шароит ҳам йўқ. Тўғри келганини экишаваради-да, энди. Ундан қанақа ҳосил олинади, бу бизга номалум.

Галнинг қисқаси, деҳқончилик «арава»сини тортиш осонмас. Хоҳ раҳбар, хоҳ деҳқон бўлсин эртани ўйлаб, келгусини кўзлаб, ақл билан, ҳисоб-китоб билан иш юритиши, кеча нима иш қилдим-у, ундан элга қандай наф теғди. Бу нафнинг кўпроқ бўлиши учун бугун нима қилишим керак, деб ўзини ўзи теггаб туриш шарт. Акс ҳолда карвондан ортада қолиб кетади. Карвондан ортада қолди деган сўз — бу инкироз деганидир.

Эл-юрт тўғрисида қайғуришдек юксак бурчага садоқатли деҳқонга эса бу сира ҳам ярашмайдилар!

Лекин, айрим деҳқонлар орасида «бизга ёрдамчи керак эмас, ўзимиз териб оламиз», деган галлар ҳам йўқ эмас. Бунинг тушунса бўлади. Чунки, ҳар бир килограмм терилган пахтага нақд икки сўмдан пул тўлаш қатъий қилиб қўйилди! Нонимиз яримта бўлмасин, қўлимиз кўпроқ пул кўрсин, деб ўйлашмоқда улар. Лекин, аслини олганда калта ўйламоқдалар. Боя айтганимиздек, бирданга шаррос ёмғир қуйиб берса борми?.. Бир мири фойда қилман, деб уч мири зиён кўриш ҳеч гап эмас.

Энди галлачилик ҳақида. Сир эмас, бу тармоқни оз бўлса унуттаёзгандик. Мустақиллик кўзимизни очди. Деҳқонимизсан, лоақал ўзинини, кўни-қўшининг итулик егулик галла билан таъминла, деган масала ўр-

ДЕҲҚОНЧИЛИК «АРАВА»СИНИ ТОРТИШ ОСОНМАС

дан дастлабки кунларданок сафарбарликка зўр берилди. Терим машиналарини тезроқ ишга тушириш, уларнинг қувватидан унумли фойдаланиш эса ўз йўлига.

Лекин, айрим деҳқонлар орасида «бизга ёрдамчи керак эмас, ўзимиз териб оламиз», деган галлар ҳам йўқ эмас. Бунинг тушунса бўлади. Чунки, ҳар бир килограмм терилган пахтага нақд икки сўмдан пул тўлаш қатъий қилиб қўйилди! Нонимиз яримта бўлмасин, қўлимиз кўпроқ пул кўрсин, деб ўйлашмоқда улар. Лекин, аслини олганда калта ўйламоқдалар. Боя айтганимиздек, бирданга шаррос ёмғир қуйиб берса борми?.. Бир мири фойда қилман, деб уч мири зиён кўриш ҳеч гап эмас.

Энди галлачилик ҳақида. Сир эмас, бу тармоқни оз бўлса унуттаёзгандик. Мустақиллик кўзимизни очди. Деҳқонимизсан, лоақал ўзинини, кўни-қўшининг итулик егулик галла билан таъминла, деган масала ўр-

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» шарҳловчиси.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҚУРИЛИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ТОШКЕНТ туманидаги Фуломмахмуд Абдуллаев номи жамоа ҳўжалигида яқинда 140 ўрилли «Камалак» болалар богчаси ҳамда 200 ўринли 21-босмалик таълим мактаби фойдаланишга топширилди.

Умуман, кейинги вақтларда туманда кўплаб янги ишоотлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Жумладан, Келес шаҳрида туман тадбиркор банки биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу бино мухташамлиги, замонавийлиги билан худуд тадбиркорларига муносив байрам тўҳфаси бўлди.

Шунингдек, З. Пўлатов ва Сағбон маҳалла кўмиталари учун мўлжалланган иморатларнинг битказилиши ҳам маҳаллий аҳолини жуда мамнун этди.

Баҳодир ҲАБИБОВ.



Даврон АХМЕДОВ суратга олган.

МАЪНАВИЯТГА БАФИШЛАНАДИ

ИҚТИСОДИЙ ислоҳотлар туфайли мунтазам катта йутуқларга эришиб келаятган «Тошвилоят» концернида жамоанинг қирқ йил ичида босиб ўтган йўлига бағишланган музей биносини пардозлаш ишлари ниҳоятини етмоқда. Қурувчилар уни фойдаланишга топширишга, ўтган йили торгига жойида намойиш қилинган кўрғазмалар кенг, ёруғ хоналарга кўчирилади.

Бу маданий масканининг алоҳида қатна бўлими «Маънавият — буюқ бойлигимиз» деган мавзуга бағишланиб, ундан автокорхоналар тарихи, меҳнат фахрийларини шарофлашга бағишланган тадбирларга оид ҳаётий лаваҳалар ўрин олган.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ЁҚҚАНИГА ИШГА КИРИШДИ

ТУМАН меҳнат биржаси 10 сентябрь кунин Пискент шаҳар марказида меҳнат ярмаркасини ўтказди.

Эрталабданок шаҳар марказидаги майдон одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Бу ерда шаҳар корхоналари маҳсулотлари кўрғазмаси намойиш этилди. «Шўхрат ЛТД», «Муроду мақсад», «Соҳиба» ва бошқа фирма ҳамда корхоналарнинг маҳсулотларига маҳлиб бўлганлар айнаан шу корхоналардан ўзлари учун иш топдилар. Шу кунин бу ерда туман суд, прокуратура, солиқ инспекцияси, ижтимоий таъминот вакиллари ҳам иштирок этишиб, ўз маслаҳатларини бердилар, меҳнат кўнунлари тўғрисидаги саволларга жавоб қайтардилар.

Қ. ТҲУТАЕВ.

ПИСКЕНТДА ҚҲШ ТҲЙ БҲЛАДИ

ПИСКЕНТДАГИ гилам тўқиш ҳиссасдорлик жамияти маъмурияти яқинда мустақилликнинг беш йиллиги байрамини қўшалок тўйга айлантирди. Шу кунин дошқозонларда ош дамланди, давра кенг олинди. Дастурхон тўкин-сочин бўлди. Кам ташминланган ишчи-хизматчиларнинг 12 фарзанди суннат тўйи ўтказилди. Тўй тўйдек бўлсин, деб Тошкентдан таниқли саныторлар таклиф этилди. Даврани халқ артисти Екуб Аҳмедов олиб борди. Туман ҳокими Жўра Миромиров қўш тўйини қўлов билан очиб, фарзандлар номига пул қўйилган омонат дафтариаларни топширди. Вилоят каноп сотиш фабрикаси раҳбари Худойёр Мирзатиллаев тўй болларга сўғалар топширди.

Ўзбек-Чехия брезент ишлаб чиқариш қўшма корхонаси вакили жаноб Каплан ҳам қўш тўйини мубарокбод этди. Обид Асомов эса ўзининг ҳаживалари билан ҳаммани хушуд қилди.

Тўхтўш ҚОСИМОВ.

«ТАДБИРКОРБАНК» ЯНГИ БИНОДА

«Бирлик» ҳусусий кичик қурилиш корхонаси мустақиллик байрамни арафасида «Уттадбиркорбанк»нинг Кибрай бўлимига шарқона усулда қўш қаватли бино қуриб берди.

Абдуҳамид ФӨЗИЛОВ.

Хосил-96 Тезкор матбуот гуруҳи хабар беради:

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-64-95, 33-70-10, 33-90-82, 39-12-93



ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БҲЛИБ

Бўка туманидаги «Бўстон» жамоа ҳўжалигининг Юнус Валиев бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш режасини бажарди

БРИГАДА аъзолари гўза парварлигини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, мўл ҳосил етиштиришга эришган эдилар. Ҳар туп гўзада 15-20 тадан кўсак ҳосил бўлди ва барвақт очилди. Бригада ҳўжаликда биринчи бўлиб пахта йиғим-теримини бошлаб юборди. Барча теримда фарол иштирок этипти. Ҳар бир теримчи кунига камидан 100 килограммдан, илғорлар эса 180-200 килограммдан ҳосил териб топширмоқда. Шу тарихда бригада дастлабки кунданок қабул пунктига 10-12 тоннадан пахта жўната бошлади. Маҳфират Шодиева, Муаззам Валиева, Соври Хамроева, Ҳарош Оллоёровларнинг ҳар бири ҳозиргача 2-2,5 тоннадан пахта териб қўйдилар.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида қўлда терилган ҳар килограмм пахтага 2 сўмдан ҳақ тўланаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этипти, — дейди бригада бошлиғи Юнус Валиев. — Ҳар беш кунда теримчилар билан ҳисоб-китоб қилиб боришимиз. Илғорлар минг сўм ва ундан ҳам ошириб ҳақ олмақдалар.

Бригада нафақат туманда, балки вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш

Суратда: бригада бошлиғи Юнус Валиев теримчилар — Соври Хамроева ва Инобат Мақсудовалар билан.

ХИРМОНГА БАРАКА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 24 сентябрьда бўлган **МАЪЛУМОТ** (фоиз ҳисобида)

Биринчи устуи	— туманлар, иккинчи устуи — мавсум бошидан бери	
Бўка	2.65	21.11
Оқўрғон	1.87	17.89
Янгийўл	2.15	16.68
Бекобод	2.35	16.00
Чиноз	2.00	15.08
Пискент	1.88	13.54
Куйиқирчиқ	1.72	11.93
Уртақирчиқ	2.04	11.85
Юкориқирчиқ	0.73	2.46
Вилоят буйича	2.01	14.77
1995 йилда бўлган эди	3.22	25.75

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Ангрэндаги картон фабрикаси кўп йиллардан бери Бўка туманидаги «Паркент» жамоа ҳўжалиги оталиқ ёрдами бериб келмоқда. Пахта йиғим-терими бошланиши билан корхона жамоаси ўз сафидан 60 ки-
шини ҳўжаликка ҳашарга жўнатди. Уларга корхона раҳбарининг ўринбосари Қаҳҳор Ҳўжиматов бошчилик қилмоқда. 60 кишининг ҳар бири кунига камидан 50-60 килограммдан пахта териб топшираётди. Алексан-
др Лигаи, Тоҳир Султонов, Алишер Деҳқонов, Элвир Олтинбоева, Шарофиддин Сайфиддинов каби илғор теримчилар 80-100 килограммга етказиб пахта териб топширмоқдалар.

Корхона жамоаси пахта йиғим-теримдан ташқари

Раҳим ҚОДИРОВ.

